

IN THE "LETTER" OF AHMAD SIRHINDI DEVELOPMENT OF THE THEORY "VAHDATU-SH-SHUHUD"

Mirzaeva Feruzakhon,

At the Fergana State University

retraining of pedagogical staff and their

Specialist in International Cooperation, Regional Center for Professional Development

e-mail: tiu_502@mail.ru

tel.: + 99890-777-70-40

Abstract: The article deals with the views of Ahmad Sirhindi on the mystical and religious issues of the scientific and spiritual heritage of "Maktubot", in particular, the introduction of the theory of "Vahdat-sh-Shuhud" in the teachings of Naqshbandi, the theory of "Vahdatu-l-wujud".

Keywords: Ahmad Sirhindi, "Maktubot", Naqshbandi-Mujaddidiya sect, Vahdatu-l-Wujud, Vahdatu-sh-Shuhud, existence, universe

АҲМАД СИРХИНДИЙНИНГ "МАКТУБОТ" АСАРИДА "ВАҲДАТУ-Ш-ШУҲУД" НАЗАРИЯСИНИНГ ЁРИТИЛИШИ

Мирзаева Ферузахон,

Фарғона давлат университети хузуридаги

педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг

малакасини ошириш минтақавий маркази халқаро ҳамкорлик бўйича мутахассиси

e-mail: tiu_502@mail.ru

тел.: +99890-777-70-40

Аннотация: Мақолада Аҳмад Сирхиндийнинг илмий, маънавий мероси "Мактубот" асаридаги тасаввуфий, эътиқодий масалаларга оид қарашлари хусусан, нақшбандия таълимотига "Ваҳдат-ш-шухуд" назариясининг кириб келиши, "Ваҳдату-л-вужуд" назарияси бўйича мунозаралар ёритиб берилган.

Калит сўзлар: Аҳмад Сирхиндий, "Мактубот" асари, нақшбандия-муҷадди́дия тариқати, ваҳдату-л-вужуд, ваҳдату-ш-шухуд таълимотлари, борлик, олам.

Сўнги йилларда юртимизда дин, маънавий ҳаёт тарихини ёритишга янгича муносабат вужудга келди, ўтган давр мутафаккирларининг, жумладан, мутасаввифларнинг ҳаёти ва қолдирган илмий меросларини ҳар томонлама ўрганиш учун қулай шароит яратилди.

Хусусан, мутасаввиф уламоларнинг энг пешқадам ва энг машҳурларидан бири бўлмиш Аҳмад Сирҳиндий (1564-1624)нинг “Мактубот” асарини ўрганиш бугунги кунда муҳим аҳамиятга моликдир. Ушбу асар шариат ва тариқат илмини тарқалишига бағишланади.

Шунингдек, Аҳмад Сирҳиндий “Мактубот” асарида “Ваҳдату-л-вужуд” ва бошқа шубҳали ҳисоблаган масалаларни ғоят ойдин бир шаклда изоҳлаб, инсонлар зеҳни ва қалбини ботил ишончдан, бузук эътиқоддан ва бидъатдан тозалади. Аҳли сунна ва-л-жамоат эътиқод поклигини сақлашга интилди¹.

Шу ўринда ваҳдату-л-вужуд назарияси ҳақида қисқача таъриф бериб ўтаемиз:

Ваҳдату-л-вужуд – вужуднинг бирлиги. Аллоҳдан бошқа борлиқ йўқлигини билиш шуурига соҳиб бўлишдир. Бу назарияга кўра, ҳамма нарса тоқ вужуд бўлмиш Аллоҳнинг турли-туман тажаллийлари, зухурлари, тахайюллари ва кўринишларидан бошқа бир нарса эмасдир. Ваҳдату-л-вужуд моҳияти завқ ила кашф этилиб, яшаш йўли билан билинади, мушоҳада этилади. Бу таълимотга кўра, моддий олам, нарсалар дунёси ҳақиқий эмас, ҳақиқат фақат Аллоҳда мужассамланган, моддий олам Аллоҳнинг нури, шуъласидир. Ваҳдату-л-вужуд намояндалари Аллоҳ бутун борликни яратиб туради деб ҳисоблашган².

Аҳмад Сирҳиндийнинг “Мактубот” асарида келтирилишича, ваҳдату-л-вужуд илмалаяқийн қабилга киради. Ваҳдату-ш-шухуд айналмақийн қабилга киради. Ушбу ваҳдату-ш-шухуд тариқатнинг зарурияти орасидадир. Зеро, “фано ҳолати” усиз рўёбга чиқмагани каби у билан рўёбга чиқмасдан туриб борлиқнинг ўзини пайдо бўлиши ҳам осон бўлмайди³. Сирҳиндий саволлар, жавоблар ва изоҳловчи мисоллар билан ушбу масалани очиб беради. Яъни ваҳдату-ш-шухудни куёш ёруғлигида осмонда юлдузларни кўролмайдиган инсон мисолида тушунтиради. Куёш пайдо бўлганда юлдузлар кўринмайди, бироқ бу уларнинг мавжуд эмаслигини ҳам англамайди. Фақат кучли ёруғлик юлдузни кўришга имкон бермайди. Ваҳдату-ш-шухуд даражасида солиқ гарчи бошқа маҳлукотларни кўрмасада, уларни мавжуд эмас деб ҳам ҳисобламайди. Аҳмад Сирҳиндийнинг фикрича, Хусайн ибн Мансур Ҳалложнинг “Ана-л-Ҳаққ”, Боязид Бистомийнинг “Субҳани” деган гаплари айнан ваҳдату-ш-шухуд даражасида айтилган эди⁴.

¹ Камиль Й. Тасаввуф и Тариқаты. – Москва: САД, 2007. – С. 258.

² Ваҳдату-л-вужуд // Ислоҳ. Энциклопедия. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2004. – Б. 61

³ Мактубот Имом Раббони. 2 томлик. Т. 1. – Istanbul: Yasin Yayinevi, 2006. – Б. 56.

⁴ Камиль Й. Тасаввуф и Тариқаты. – Москва: САД, 2007. – С. 258.

Шу ўринда айтиб ўтиш керакки, Хожа Баҳоуддин Нақшбанддан Аҳмад Сирхиндийгача бўлган даврда нақшбандия таълимотининг намояндалари “вахдату-л-вужуд” ғоясини илгари сурган⁵. Аҳмад Сирхиндийдан кейин нақшбандия таълимотида “вахдату-ш-шуҳуд” ғоясининг таъсири вужудга келган⁶.

Вахдату-л-вужуд таълимоти танқиди натижасида юзага келган Сирхиндийнинг вахдату-ш-шуҳуд таълимоти асосини Аллоҳ – ягона, абадий, олам эса У томонидан яратилгани ғояси ташкил этади. Бу эса анъанавий фалсафада дуалистик дунёқараш деб аталади. Ундан келиб чиқадиган хулоса шуки, Аллоҳнинг вахдату-л-вужудда зикр этилган тарзда бу олам билан ҳеч қандай бирлиги йўқ. Унинг ҳамма нарсаси камрови, яқинлиги, зоти билан эмас, илми биландир. “Саноксиз ва ҳолатсиз бўлган улуғ Аллоҳ сон-санокли ва ҳолатли ашёда макон тутмайди, маконсиз бўлган маконда жойлашмайди. Саноксизни санокли доирадан ташқарида қидирмоқ керак. Объектив ва субъективда кўринган нарсалар Аллоҳнинг алоҳида ишораларидир. Ҳақнинг сифатларини алоҳида борлиқ (вужуд) деб биламан”⁷, - дейди мутафаккир.

Унинг фикрича, “оламнинг Аллоҳ зоти билан ҳеч қандай муносабати ва иштироки йўқ. Оламнинг муносабати Унинг исми ва сифатлари билан ва бу исм ва сифатларнинг намоён бўладиган маконидир. “Фано” мақомига эришган солиқнинг оламда Аллоҳнинг сифатларидан бошқа бир нарсани мушоҳада қилмаслиги оламнинг борлигини инкор қилиш деган маънони билдирмайди. Бироқ, худди куёш нурининг таъсири билан юлдузларни кўрмаган ва уларга қизиқмаган киши каби Аллоҳнинг тажаллилариға гувоҳ бўлган кишининг кўз олдида олам йўқолади. Акс ҳолда, куёш ёруғлигида юлдузлар батамом йўқ бўлмаганидек, солиқнинг кўз олдидан йўқолган олам мавжуддир. Шундай экан, Аллоҳ билан олам орасида бирлашув, бир хиллик, қамраш, бирга бўлиш туридаги муносабат йўқдир”⁸.

Бу икки таълимот ўртасидаги фарқларни шундай изоҳлаш мумкин: вахдату-л-вужудда - зот ва вужуд бир хил; сифат ва зот айнаидир; олам – сифатларнинг маълум бўлиш ва юзага келишидан иборат; олам хаёлдир, аммо Аллоҳ бор, яъни Аллоҳ оламдир; олам соядир, лекин соя Аллоҳдир; гўё сурат ва ҳақиқатларининг вужуди йўқ; Аллоҳ бир жиҳатда оламнинг ичида, бошқа бир жиҳатда оламдан ташқарида; Аллоҳнинг намоён бўлиши оламда ва ондадир; вужуд бир ва у эзгуликдир; шунинг учун яхшилик-ёмонлик деган тушунчалар мутлақ ва ҳақиқий эмас, нисбийдир; Аллоҳ – инсон муносабатлари яқинлашиш жараёнидир; яратилиш сабаби муҳаббатдир.

⁵ Турар У. Тасаввуф тарихи. – Т.: Истиқлол, 1999. – Б. 157.

⁶Наврўзова Г. Нақшбандияда вахдат ул-вужуд таълимоти. – Бухоро: Хожа Баҳоуддин Нақшбанд таваллудининг 690 йиллигига бағишланган “Нақшбандия таълимоти ва миллий маънавиятимиз” мавзудидаги республика илмий-амалий анжумани материаллари. 2008. – Б. 52.

⁷ Турар У. Тасаввуф тарихи. – Т.: Истиқлол, 1999. – Б. 158.

⁸ Турар У. Тасаввуф тарихи. – Т.: Истиқлол, 1999. – Б. 159.

Ваҳдату-ш-шуҳудда эса бу масалаларга қуйидагича ёндашилади: вужуд зотдан бошқа нарса бўлиб, у биринчи яратилган унсур; сифатлар зотдан фарқ қилиб, зот вужуд билан ташқарида мавжуд бўлиб, зотнинг сояларидир; олам сифатларнинг эмас, уларнинг соялари тажаллийсидир; олам хаёл эмас, уни хаёл дейиш оламнинг объектив мавжудлигини ва Аллоҳ сифатларидан бирини инкор қилмоқдир; олам соя эканлиги ўрганилаётган таълимотда ҳам тан олинади, лекин соя Аслнинг ўзи эмас; ва Аллоҳ ўзига бахш этган вужуд билан ташқарида ўз нафсида мавжуд; ваҳдату-л-вужуднинг илоҳий илмида нарсанинг азалдан собит бўлган сурат ва ҳақиқатларининг вужуди йўқ деган ғояси ҳам Сирҳиндий таълимотида янглиш фикр сифатида инкор этилади; Аллоҳ оламларга эҳтиёжсиздир; Аллоҳнинг тажаллийси лаҳза эмас, мунтазамдир; олам, вужуд йўқликдан пайдо бўлган ва моҳияти ҳам йўқликдир. Шунинг учун олам эзгулик билан бир қаторда барча ёмонликларнинг ҳам манбаидир; Аллоҳ инсоннинг жон томиридан ҳам яқинроқ, аммо бу яқинлик моҳиятини англаш ақлдан ташқаридадир; Нафсни билишдан мақсад инсон ўз борлигининг нуқсонлар билан тўла эканлигини англаши, барча камолот даражаларининг Аллоҳга нисбат эканлигини тан олишдир; Сирҳиндий наздида ҳам яратилишнинг сабаби муҳаббат, лекин бу яратилишнинг мақсади Аллоҳга ибодат қилиши ва фақатгина ўзини камолотга етиштиришдир⁹.

Хулоса қилиб айтганда, шайх Аҳмад Сирҳиндий нақшбандия-муҷаддия тарикатига доир ирфоний тафаккурни ваҳдату-л-вужудга эмас, балки “ваҳдату-ш-шуҳуд” яъни “ҳамма нарса ундандир” деган қоидага асослантирди. Ушбу назария кейинги тасаввуф тарихида ўзига хос ўрин тутган. Аҳмад Сирҳиндий ёзган мактубларида “ваҳдату-ш-шуҳуд” назариясини ёритишга алоҳида эътибор қаратган ҳамда ваҳдату-ш-шуҳуд ҳақиқатини англаш ваҳдату-л-вужудга нисбатан юқори даражада туради деб ҳисоблаган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Камилъ Й. Тасаввуф и Тарикаты. – Москва: САД, 2007. – 300 с.
2. Ваҳдату-л-вужуд // Ислоҳ. Энциклопедия. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2004. – 320 б.
3. Мактубот Имом Раббони. 2 томлик. Т. 1. – Istanbul: Yasin Yayinevi, 2006. – 396 б.
4. Турар У. Тасаввуф тарихи. – Т.: Истиклол, 1999. – 180 б.
5. Наврўзова Г. Нақшбандияда ваҳдат ул-вужуд таълимоти. – Бухоро: Ҳожа Баҳоуддин Нақшбанд таваллудининг 690 йиллигига бағишланган “Нақшбандия таълимоти ва миллий маънавиятимиз” мавзуидаги республика илмий-амалий анжумани материаллари. 2008.

⁹ Турар У. Тасаввуф тарихи. . – Т.: Истиклол, 1999. – Б. 161.